

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ИШЛАШГА ЎРГАТИШ

Диёра Йўлдошжон қизи Салимова

Саодат Саидмуродовна Қодирова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти биология йўналиши
2-босқич магистрантлари

Каримжан Абдурахимович Муталов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти биология кафедраси
доценти

mutalovkarimjan@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчи ёшларга берилаётган билимларини онгли равишда ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида замонавий методлар асосида яратилган китоблар, қўлланмалар, дарс жараёнида фойдаланилаётган ҳар хил технологиялар ўқувчиларни таълим олишга бўлган қизиқишларини оширади. Ўқувчиларни ўқиб ўрганишни осонлаштириш мақсадида барча фанлардан ишчи дафтарларни яратилишини тақозо этади. Шу ўринда биология фанидан таёрланган ва тажриба сифатида фойдаланилаётган ишчи дафтарлар ўқувчиларни қизитирадиган, уларни ижодий изланишга ундайдиган турли хил ўйинлар кроссвордлар, расмли топшириқлар, ананавий тестлар, пизза тестлари, вен диаграммалари ва бошқа қизиқарли топшириқлар, асосида тузилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: кроссворд, концепция, инновацион, коммуникацион, пизза тест, ноананавий усул, ахборот воситалари.

ABSTRACT

This article discusses the steady decline in vegetation cov Teaching students to work independently in biology classes. In this article, books, manuals, various technologies used in the classroom, created on the basis of modern methods in order to facilitate the conscious acquisition of knowledge by students, increase the interest of students in learning. Requires the creation of workbooks in all subjects to make it easier for students to read and learn. It is reported that the workbooks prepared and

used as experiments in biology are based on various games, crossword puzzles, picture assignments, traditional tests, pizza tests, vein diagrams and other interesting tasks that stimulate students to creative research.

Keywords: crossword, concept, innovation, communication, pisa test, non-traditional method, media.

КИРИШ

Таълим тарбия ишларини hozirgi замон талаблари асосида ташкил этишда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳар йили таълимга оид эълон қилинаётган янгиликларга эътибор қаратилиши ва уларни дунё амалиётида кенг қўлланилиши таълимнинг ривожланишига хизмат қилмода. Мамлакатимизда айниқса кейинги 3 йилда таълимга, ёшларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина таълим тизимини ривожлантиришга оид 10 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Русубликаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожланиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Кўплаб олий ўқув юртлари очилмоқда. Чет эл университетлари филиаллари ташкил этилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ёшларни олий таълимга қамраб олиш 20% дан ошиб кетди. Ўрта ва олий таълим тизимида меҳнат қилаётган педагог - ўқитувчилар ойлик маошлари оширилмоқда Жамият томонидан таълим-тарбия тизими олдида қўйилган бундай масъулиятли вазифа педагогика фанининг ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Ана шундай ривожлантириш йўналишларидан бири фаол таълим эканлиги эътироф этилган. Фаол таълим деганда биз таълим-тарбия жараёнининг асосий объекти ва субъекти ҳисобланган таҳсил олувчи (ўқувчи) тингловчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини таъминловчи омиллар тизимини тушунамиз. Педагогика назарияси ва амалиётида жуда кўплаб фаоллаштириш омиллари қайд этилган. Ана шундай муҳим омиллардан бири бизнинг назаримизда ўқув материални долзарблаштириш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган долзарблаштириш тушунчасининг луғавий маъноси ўқув материални айна пайт ва келажакда

зарур ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳсил олувчилар онгига етказиб, уни ўрганишга ҳис-туйғу, қизиқиш уйғотувчи ва фаол ўқув билишга ундовчи омил деб эътироф этилади. Педагогика нуқтаи назаридан олиб қараганда, олзарблаштириш ўқув материални таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарурлигини кўрсатса, психологик жиҳатдан материални ўзлаштиришга уларда эҳтиёж туйғусини уйғотади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий таълим шароитида мактаб ўқувчиларини мустақил ишлаш ва ўрганиш фаолиятини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш илғор инновацион педагогик технологиялардан ҳамда янги авлод электрон видео ўқув адабиётларидан фойдаланишни талаб этади. Шу билан бирга бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши билим олишда ноананавий усуллардан фойдаланиб ўқувчилар учун янги ўзлаштириш осон бўлган ахборот воситаларини ишлаб чиқаришни, айтилиши вақтда уларга бериладиган топшириқларни бажаришда ижтимоий тармоқдан керакли манбаларни, (расмлар, диаграмма, жадваллар, матн) тўғри танлаб олиб улар асосида тақдиротлар таёрлашни ўргатиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек ўқувчиларни ўқув жараёнида мустақил билим олишга ўргатиш билан мавзуларни онгли ўзлаштиришга йўналтириш орқали уларнинг савиясини оширишда янги технологиялар асосида яратилган ўқув қўлланмаларнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни олаётган билимларини онгли равишда ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида янги методикалар асосида яратилган китоблар, ҳар хил технологиялар, илмий текшириш институтларида бажарилган ишларнинг натижаларини (расм, диаграмма, турли чизмава бошқа.) мавзуга мослаб, ўқувчиларга дарс довомида қизиқарли баён қилиш билан уларни таълим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш мумкин.

Ўқувчиларни ўқиб ўрганишини осонлаштириш мақсадида барча фанлардан ишчи дафтарларни яратилишини тақозо этади. Шу ўринда биология фанидан ишчи дафтарлар ишлаб чиқилди. Ушбу дафтарда ўқувчиларни қизитирадиган турли хил ўйинлар кроосвордлар, расмли топшириқлар, ананавий тестлар, пизза тестлари, вен диаграммалари ва бошқа қизиқарли топшириқлар, асосида тузилган.

Ишчи дафтарларнинг самарадорлиги мактаб дарсликларидан яъни китоблардан дарс жараёнида назарий асосларини ўрганиб ананавий ёзув дафтарларидан фойдаланишдан воз кечиб ноананавий ишчи дафтарлардан фойдаланиш янада самаралироқ натижа олиш мумкинлиги кўзда тутилган. Ўқувчиларни ишчи дафтардан фойдаланиш тартиби асосан ўқув жараёнида амалиётда қўлланилади. Фойдаланиш жараёнида назарий билимни китобдан ўрганилиб амалий машулотларини ишчи дафтарда келтириб ўтилган кросвордлар, вен диаграммалар, пизза тестлари, расмли диаграммалар билан ишланади. Мавзуга тегишли расмларни чизиб олади. Ўқувчилар ишчи дафтардаги топшириқлани мустақил бажаришлари натижасида уларда мустақил ишлаш кўникмалари шаклланиб, фанга бўлган қизиши янада ошади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, хар қандай ўқувчи ўз истак ва хохиши билан мастақил равишда зарурий билимларни ўқув адабиётлардан, ўқув қўлланмалардан, ижтимоий тармоқлардан, керакли маълумотларни излаб топиш кўникмаларини таркиб топтириш мухим саналади. Бу жараённи қанчалик мухилигини биз онлайн шаклидаги ўқиш вақтида синовдан ўтказилди деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. С.А. Ҳайдаров Ўзбекистон тарихини ўқитишда миллий миниатюрадан фойдаланиш(Бобурнома мисолида) "Academic research in educational sciences" journali 761-763.б
2. Б.Қ.Турдимуродов.,3. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Амалий машғулотларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. "Academic research in educational sciences" journali 808-814.бҚ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замоनावий таълимтехнологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013 й
4. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013
5. Муталов К.А., Б.Р.Рамазонов, Д.У. Закиров Изучения растительности пустынь на уроках ботаники. Г. Чимкент, 2019. С 458-46 ст.
5. Ж.О.Толипова, А.Т. Ғофуров Биология ўқитиш методикаси (академик лицей ва касб –хунар коллежи биология ўқитувчилари учун методик қўлланма) Тошкент. Билим-2004 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й., 9-сон.

7. Эгамбердиева, Л. Н., Хуррамова, М. А., & Рамазонов, Б. Р. (2021). ПРОБУДИТЬ У МОЛОДЕЖИ ЧУВСТВО ЛЮБВИ К ПРИРОДЕ ОДНА ИЗ АКТУАЛЬНЫХ ЗАДАЧ. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 2).
8. Alimova, X. B., & Ramazonov, B. R. (2021). “O „QUVCHI-O „QUVCHIGA USTOZ” TAMOYILI ASOSIDA TABIIY FANLAR DARSLARINI TASHKIL ETISHDA PEDAGOGIK MUAMMOLAR. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 940-945.
9. Alimova, X. B., Bozorova, D. S., & Ramazonov, B. R. (2021). TIV ILMINING BUYUK ALLOMASI ABU ALI IBN SINO O'GITLARINING YOSH AVLOD TARBIYASIDAGI ANAMIYATI. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 881-887.
10. Рамазонов, Б. Р., & Муталов, К. А. (2021). ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ ЭКОЛОГИЕЙ И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ МОНИТОРИНГ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ПОЧВЫ. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 946-954.
11. Рамазонов, Б. Р., & Курбонов, Ш. Ш. (2021). ФОРМИРОВАНИЕ КОМПЕТЕНЦИИ У СТУДЕНТОВ БИОЛОГИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ ВУЗОВ В ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА ПОЧВОВЕДЕНИЕ И БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 319-325.
12. Закиров, Д. У., & Гулямов, Ж. Х. (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. *Science and Education*, 1(Special Issue).
13. Закиров, Д. У., & Нурметов, Х. С. (2021). ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ШКОЛА ОСНОВНОЙ ИСТОЧНИК ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 2).
14. Закиров, Д. У. (2020). ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. *Биология ва экология электрон журнали*, 4(2).
15. Атабаева, Д., & Файзиев, В. Б. (2020). ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА УЙҚУНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ. *Биология ва экология электрон журнали*, 4(2).